



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 9 июль, № 139 (9310)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БЕЛАРУСГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёев  
Беларусь Республикаси Президенти  
Александр Лукашенконинг таклифига  
биноан 8 июль куни расмий ташриф  
билан Минск шаҳрига келди.

Беларусь пойтахтининг халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Беларусь Республикаси Бош вазири Александр Турчин, ташқи ишлар вазири Максим Риженков ҳамда бошқа расмийлар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Давлатимиз раҳбари Минск шаҳрига келган, Ҳалаба монументи пойга гулчамбар кўйди.

Харбий оркестр ижросида икки давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул аскарлари тантанали равишда юриб ўтди.

Расмий ташриф доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко норасмий учрашув ўтказдилар.

Беларусь етакчиси давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, ташриф учун миннатдорлик билдирди. Президентлар бўлажак музокаралар кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар.

Ташриф арасида бўлиб ўтган тadbирлар, шу жумладан, икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокидаги Худудлараро форум якунлари юқори баҳоланди.

Ташрифнинг асосий тadbирлари 9 июль куни бўлиб ўтади. Мустақиллик саройида Ўзбекистон ва Беларусь етакчилари музокара ўтказадилар.

ЎзА.



Александр ОГОРОДНИКОВ:

## БЕЛАРУСЬ ВА ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ СТРАТЕГИК ТУС ОЛМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Минскка расмий ташрифи арафасида Беларусь элчиси Александр ОГОРОДНИКОВ “Дунё” АА мухбирига эксклюзив интервью берди.

— Жаноб элчи, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ҳамкорлик барқарор ижобий суръатни намойён этмоқда. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларда эришилаётган ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

— Сўзимни тарихдан бошласам. Беларусь Республикаси биринчилардан бўлиб 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Бугун ҳамкорлигимиз қай даражага кўтарилгани-

ни кўриб турибмиз. Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг илк расмий хорижий ташрифи айнан Ўзбекистонга бўлгани рамзий маънога эга.

Икки томонлама муносабатлар 2018-2019 йиллардан бошлаб алоҳида аҳамият касб этди. Буни рақамлар яққол кўрсатиб турибди: сўнгги ўн йил ичида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 13 баробардан зиёд ошди. Бундай кўрсаткичларни санокли давлатларгина намойиш қила олади. Эътиборлиси, ўсиш суръати давом этмоқда. 2026 йилнинг биринчи

ярми якунларига кўра, товар айирбошлашнинг изчиллиги сақланиб қолмоқда, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам ривожланмоқда.

Биз Ўзбекистон Президентининг Беларусга ташрифи арафасида суҳбатлашиб турибмиз. Эслатиб ўтаман, 2024 йилда Президент Александр Лукашенко давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлган эди. 2026 йилнинг биринчи ярми ҳам воқеаларга жуда бой бўлди: Беларусь Бош вазирининг расмий ташрифи, унинг Тошкент халқаро инвестиция форумидаги иштироки, Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ҳамда Бош вазир ўринбосарларининг соҳавий йўналишлар бўйича фаол мулоқотлари бўлиб ўтди.

➡ 3

Нуктаи назар

## ТАМАДДУНЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми турли мамлакатлардан келган етук олимлар, тадқиқотчилар ва диний-маърифий соҳада фаолият юритаётган мутахассисларни бир мақсад атрофида — буюк ислом цивилизациясининг бебаҳо илмий меросини чуқур ўрганиш, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг тарғиб қилиш ҳамда замонавий илмий тадқиқотлар билан уйғунлаштириш мақсадида жам этгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Нуфузли анжуманининг Тошкент, Самарқанд ва Термиз каби мамлакатимизнинг ийрик шаҳарларида ўтказилиши эса унинг мазмун-моҳиятини янада бойитувчи ўзига хос жиҳатлардан биридир.

Форумнинг айнан ушбу уч тарихий шаҳарда ташкил этилиши Ўзбекистон заминидан шаклланган буюк илмий-маърифий анъаналар, ислом цивилизациясининг турли даврлардаги ривожланиш босқичлари ва жаҳон тамаддунига қўшилган улкан ҳиссанинг яхлит намойишига хизмат қилади. Қолаверса, ушбу нуфузли анжуман келажақда цивилизациялараро ҳамжиҳатлиқни таъминлашда муҳим асос бўлади.

Барчамизга яхши аёнки, Термиз шаҳри азалдан ислом илми ва маданиятининг қайноқ марказларидан бири бўлган. Бу заминдан етишиб чиққан муҳаддислар, фақиҳлар, мутакаллимлар ва муфассирлар нафақат Мовароуннахр, балки бутун мусулмон олами илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган. Айниқса, буюк муҳаддис Имом Термизийнинг илмий мероси ислом ҳуқуқшунослиги, ҳадисшунослик ва ахлоқий таълимотнинг юксак намуналаридан ҳисобланади. Унинг машҳур “Сунани Термизий” асари мусулмон оламидаги энг нуфузли ҳадис тўпламларидан бири сифатида тан олинган.

➡ 2

Йиғилиш



## КУН ТАРТИБИДА – ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг  
навбатдаги мажлисида Сенатнинг  
ўн еттинчи ялпи мажлисини қақшириш  
тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Кенгаш қарорига мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси 2026 йил 9 июль куни ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис кун тартибига мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, давлат бошқаруви, қурилиш, техник жиҳатдан тартибга солиш, ёнгин хавфсизлиги, фармацевтика, ижтимоий ҳимоя, рақамли технологиялар, халқаро ҳамкорлик ҳамда қонунчилиқни такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим масалалар киритилди.

“Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида” ва “Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунлари, “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонун шулар жумласидан.

Ялпи мажлисда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш,

тазейк ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, қурилиш соҳасида давлат назорати, ёнгин хавфсизлиги, давлат фуқаролик хизмати, фармацевтика соҳаси ҳамда бошқа қатор йўналишларга оид қонунлар ҳам муҳокама қилинади.

Шунингдек, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланиши тўғрисидаги миллий маъруза эштиллади.

Бундан ташқари, бошқарув сервис компаниялари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари ҳам муҳокама қилинади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси 2026 йил 9 июль куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Олий Мажлис Сенати  
Ахборот хизмати.

«Ҳукумат соати»

## ВАЗИР ДЕПУТАТЛАР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда ер қаъридан фойдаланишда атроф-муҳитнинг, ер ва сув ресурсларининг муҳофаза қилиниши ҳамда тоғ-кон ишларида хавфсизлик талабларига риоя этилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан депутатларнинг саволларига тоғ-кон саноати ва геология вазيري Бобур Исломов жавоб берди.



Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда ер қаъридан ва фойдаланишда атроф-муҳитнинг олдини олиш, бузилган ерларни рекултивация қилиш, тоғ-кон ишларида саноат хавфсизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, конларни казиб олиш жараёнида рақамлаштириш ва кам чиқиндили технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Конларнинг “3D” моделлари яратилиб, “ақлли” бошқарув тизимлари орқали қазиш ишларини аниқ ҳамда са-

марали ташкил қилиш йўлга қўйилган. Қазиб олиш жараёнида ҳосил бўладиган жинслар ва чиқиндилар қайта ишланиб, қурилиш материаллари сифатида фойдаланилмоқда.

Соҳани рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда коррупция омилларини бартараф қилиш борасида ҳам муҳим қадамлар ташланди. “Геомониторинг” ахборот тизими жорий этилиб, 2 мингдан ортиқ фойдали қазилма участкалари тўғрисида маълумотлар рақамлаштирилган. Коррупцияга қарши курашиш йўналишида вазирлик ва тизим ташкилотларида ички назорат тузилмалари таш-

кил қилинган. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, харидлар жараёнини шаффофлаштириш, алоқа каналлари орқали мурожаатларни ўрганиш, хизмат текиштурувларини ўтказиш ва рақамли назорат механизмларини жорий этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Вазирнинг айтишича, 2025 йилда 2 085 гектарлик бузилган ерлар рекултивация қилинган, яъни қайта тикланган. 2026 йилнинг биринчи ярмида эса 340,8 гектар майдонда рекултивация ишлари амалга оширилган. Йил якунига қадар 1 000 гектарлик қўрсаткичга эришиш режалаштирилган.

➡ 2

## ГЛОБАЛ ТИНЧЛИК ВА МАЪРИФАТ ТАШАББУСИ

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида ўтказилаётган Ислом цивилизацияси I Халқаро форумининг иккинчи куни мазмунан бой муҳокамалар, нуфузли тақдимотлар ва тарихий аҳамиятга эга келишувлар билан давом этди. Форум доирасида илм-фан, маданий мерос, рақамли технологиялар, халқаро ҳамкорлик ва маънавий қадриятларни ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Иккинчи кун дастури Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг бугунги ва келажақдаги стратегик вазифаларига бағишланган махсус тақдимот билан бошланди.

Таъкидланганидек, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар замирида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган инсон қадрли, бағрикенглик, маърифат ва маданий меросни асраш сиёсати мужассам. Сўнгги йилларда мамлакатимизда буюк аجدодларимиз меросини чуқур ўрганиш, уни жаҳон ҳамжамиятига етказиш ҳамда Ўзбекистонни ислом цивилизациясининг ийрик илмий марказларидан бирига айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир. Мазкур форум ана шу эзгу сиёсатнинг амалий ифодаси сифатида халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотмоқда.

➡ 4



Ахборот хизмати





